

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАЙБНАЗАРОВ ЭГАМНАЗАР ЭРЙИГИТОВИЧ

**МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ВА ПАСТ НАВЛИ ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Ғайбназаров Эгамназар Эрйигитович Машинада терилган ва паст навли пахтани қайта ишлашга тайёрлаш технологиясини яратиш	3
Ғайбназаров Эгамназар Эрйигитович Разработка технологии подготовки к переработке хлопка низких сортов и машинного сбора	25
Gaybnazarov Egamnazar The creation of technology training cotton low grades and machine harvest for processing	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	50

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.30.05.2018.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ ФАН ДОКТОРИ (DSc) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАЙБНАЗАРОВ ЭҒАМНАЗАР ЭРҲИГИТОВИЧ

**МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ВА ПАСТ НАВЛИ ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШГА
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.4.DSc/T 196
рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Наманган муҳандислик
технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.nammti.uz) ва
“ZiyoNet” Ахборот таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

**Ходжиев Муксин Таджиевич
техника фанлари доктори, профессор**

Расмий оппонентлар:

**Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор**

**Ахмедходжаев Хамид Турсунович
техника фанлари доктори, профессор**

**Сулаймонов Рустам Шенникович
техника фанлари доктори к.и.х**

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.30.05.2018.Т.66.01.рақамли илмий кенгаш асосидаги фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил “23 “ ноябрдаги соат 10.⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади.(Манзил 160115, Наманган шаҳри, Косонсой, 7-уй. Тел.(69) 225-10-07, факс; (69) 228-76-75, e-mail, niei, info @ edu uz., Наманган муҳандислик технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.(а-349 -рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси,7-уй. Тел (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2019 йил “ 04 “ ноябр кун тарқатилди.
(2019 йил “04 “ ноябр 06 -рақамли реестр баённомаси).



**Р.М.Мурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор**

**О.Ш.Саримсақов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор**

**Қ.М.Холиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор**

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Пахта бўйича Халқаро консултатив кўмитанинг маълумотиغا кўра жаҳон миқёсида пахта толаси етиштириш 26,2 млн. тоннага етди. Пахта толасини ишлаб чиқаришда жаҳонда пешқадам мамлакатлар Ҳиндистон ва Хитой бўлиб, уларнинг ҳиссасига тегишли ҳолда умумжаҳон ишлаб чиқаришининг 24,8 ва 24,7 фоизи тўғри келади. Бу мамлакатларда пахта тозалаш саноати корхоналарини барқарор ривожлантириш, тармоқ корхоналари учун янги техник восита ва технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш орқали жаҳон пахта бозорига юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, жаҳон миқёсида пахта маҳсулотлари истеъмол хусусиятларини янада ошириш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш билан бирга таннархини пасайтириш орқали пахта тозалаш жараёни самарадорлигини таъминлаш, пахта тозалаш машиналарини такомиллаштириш ва автоматлашган, ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида юқори намлик ва ифлосликка эга бўлган, айниқса машинада терилган пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштиришда кўпроқ, пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш жараёнлари назарий асосларини ишлаб чиқиш, ишчи қисмлар ва механизмлар ҳаракат параметрлари ҳамда иш режимларини асослаш, улар орқали пахтани титиш ва тозалашни таъминлайдиган геометрик ва кинематик ўлчамларнинг оптимал қийматларини аниқлаш бўйича кенг қамровли назарий ва комплекс тажрибавий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, пахтани тозалаш самарадорлигини ва маҳсулотнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлашни таъминлаш, жумладан, пахта тозалашнинг маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмайдиган оптимал режимларини танлаш имконини берувчи математик моделларни яратиш ва пахтани титиш ва ифлос аралашмалардан тозалашда кучли зарбавий таъсирларни камайтириш, пахта тозалашнинг юмшоқ режимли технологияларини ишлаб чиқиш, тозалагичларнинг ресурстежамкор ишчи органлари конструкцияларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда пахта саноати корхоналари техника ва технологияларини такомиллаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, пахта хомашёсини қайта ишлаш рентабеллиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора – тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган

технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан пахтани дастлабки ишлаш технологиясини такомиллаштириш, хусусан уни сақловгача тозалаш орқали унинг таркибидаги ифлосликларни ажратишнинг самарали технологиясини ҳамда ишчи органларнинг юқори тозалаш самарадорлигини таъминлаб берувчи рационал компановкасини ишлаб чиқиш, пахтани тозалашда ишчи органлар ва пахта компонентларининг ҳаракат траекторияларини аниқлаш асосида юмшоқ зарбали режимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш орқали пахтани тозалаш самарадорлигини ошириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони, «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408 сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли «Пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Пахта хомашёси таркибидаги ифлос аралашмаларни тозалаш техника ва технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Texas Tech University, Samuel Jackson Incorporated, U.S. Department of agriculture, Lummus, USDA Ginning Cotton Research Unit, USDA Agricultural Research Service (АҚШ), Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University Lebed (Хитой), Central Institute for Research on Cotton Technology, Bajaj Steel Industries Ltd (Ҳиндистон), Balkan Cotton Ginning Machinery Ltd. (Туркия), Brazilian Agricultural Research Corporation (Бразилия), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Наманган муҳандис-технология институти, «Рахтасаноат ilmiy markazi» АЖда (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.samjackson.com/moisture-products>; <http://www.bajajngp.com/humidifier.html>; <http://www.busa.com.br/Assistencia-Tecnica#>; <https://www.acronymfinder.com>, Journal of Cotton Science 4/2015. The USA. The Cotton Foundation. Journal of Textile Science & Engineering.3/2014. The USA ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Пахтани қайта ишлаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: пахтани қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизими яратилган (Texas Tech University, АҚШ), нам материалларни қуритиш ускуналарини ҳисоблаш ва лойиҳалаш услуги ишлаб чиқилган (Москва давлат дизайн ва технология университети, Россия), қуритиш жараёнида капилляр-ғовак-коллоидли материалларининг иссиқлик ва намлик ўтказувчанлигининг боғланишлари олинган (Москва давлат дизайн ва технология университети, Россия), қуритиш жараёнида буғланиш юзасини материал ичига кириб бориш боғланишлари илмий асосланган (Texas Tech University, АҚШ), пахтани ифлос аралашмалардан тозалашнинг самарали техника ва технологиялар яратилган, асосий ишчи қисмларнинг кўрсаткичлари ва ишлаш режимлари аниқланган (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Наманган муҳандис-технология институти, «Paxtasanoat ilmiy markazi» АЖ (Ўзбекистон).

Дунёда пахта хом-ашёсини тозалаш техника ва технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан пахтани тозалашнинг самарали техника ва технологияларини ишлаб чиқиш, пахтани иссиқлик-намлик кўрсаткичларининг тозалаш жараёнига таъсир даражасини аниқлаш, пахтани кўп компонентли материал эканлигини эътиборга олган ҳолда тозалаш жараёнининг режим кўрсаткичлари ва тола сифатини сақлашни таъминловчи тозалаш параметрларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта тозалаш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича бир қатор чет эл олимлари: W.S. Anthony, R.V. Baker, R.M. Sutton, P.A. Boving, V.G. Arude, J.W. Laird, S.K. Shukla, T.S. Manojkumar, D.W. Van Doorn, B.M. Norman ва бошқалар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Пахтани ифлос аралашмаларни тозалаш техника ва технологиясини такомиллаштириш, асосий ишчи қисмларнинг параметрлари ва ишлаш режимларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор мамлакатимиз олимлари, жумладан, Г.И.Мирошниченко, С.Д.Болтабаев, Г.И.Болдинский, Г.Д.Джаббаров, Р.З.Бурнашев, Б.И.Роганов, Р.В.Корабельников, И.К.Хафизов, А.Расулов, А.Е.Лугачев, А.Джураев, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.М.Мурадов, Р.Х.Мақсудов, М.Т.Хожиев, А.П.Парпиев, А.К.Усмонкулов, Х.Қ.Рахмонов, Ш.Ш.Хакимов, Д.М.Мухаммадиев, И.Д.Мадумаров, Э.Т.Мақсудов, О.Саримсаков, А.Х.Бобоматов ва бошқалар соҳа илми ва технологияси ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Аммо, пахтани тозалаш бўйича ҳозиргача амалга оширилган изланишлар чет эл ва маҳаллий пахта тозалаш корхоналарида фойдаланилаётган технологиялар ва тозалаш машиналари ҳамда ишчи қисм ва механизмлари таҳлили ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган бўлиб, уларда пахтага ишлов беришнинг уни сақловгача тозалашни кўзда тутувчи технологиясини ишлаб чиқиш, ишчи

органларнинг рационал компоновкаси ва пахта компонентларининг ҳаракат траекторияларини аниқлаш асосида юқори тозалаш самарадорлигини таъминлаб берувчи янги конструкцияларини яратиш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти U-2015-223 « Пахта тозалаш жараёнини тола миқдорини ошириш имконини берувчи янги қурилма яратиш йўли билан такомиллаштириш» номли инновацион лойиҳа (2015-2017) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Машинада терилган ва паст навли пахтани қайта ишлашга тайёрлаш технологиясини яратиш орқали пахта маҳсулотлари дастлабки сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот йўналишларига аниқлик киритиш мақсадида юқори ифлослик ва намликка эга бўлган, шу жумладан машинада терилган пахтага ишлов бериш, мавжуд илмий нашрлар асосида адабий таҳлил ўтказиш;

пахта хомашёсининг таъминлагичдаги ҳаракати, қозикчали барабан таъсирида пахтани ифлос аралашмалардан тозалаш, колосникли панжара сиртида ҳаракатланаётган пахта хомашёсидан йирик ифлосликларни тозалаш жараёнининг назарий ва илмий амалий тадқиқотларини ўтказиш;

машинада терилган ва паст навли пахтани қайта ишлашга тайёрлашда қурилманинг ишчи органларини пахта билан ўзаро таъсирлашуви математик моделини ишлаб чиқиш ва уларнинг таҳлили асосида тозолагичнинг янги конструкциясини яратиш;

аррали барабанга нисбатан пахта хомашёсини илашиш эҳтимоли, тозалаш жараёнида арра тишларига илашган пахта хомашёси билан қобирғали панжараларнинг ўзаро таъсирлашуви, барабанларнинг айланиш тезлиги, диаметри, панжара билан арра орасидаги масофалар, панжараларнинг оралиқ масофаларини назарий ва экспериментал асослаш.

Тадқиқотнинг объекти: Пахта хом ашёсини қайта ишлашга тайёрлаш технологияси ва қурилмасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар комплекси тадқиқот объектини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети: Пахта хом ашёси, паст навли пахта хомашёсини тозалаш жараёнининг мавжуд усул ва воситалари тадқиқот предметини ташкил қилади.

Тадқиқот усул ва воситалари. Ушбу ишда тадқиқотнинг назарий ва амалий, жумладан, жараёнларни моделлаштириш, тўлиқ факторли экспериментлар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш ва баҳолаш усуллари ҳамда назорат-ўлчов асбоблари, ҳисоблаш, шунингдек электрон ҳисоблаш машиналари ва мақсадли электрон дастур пакетларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги:

машинада терилган ва паст навли пахта хомашёсини қайта ишлашга тайёрлашнинг пахтани ғарамлашдан аввал майда ва йирик ифлосликлардан тозалашга асосланган технологияси ишлаб чиқилган;

машинада терилган ва паст навли пахта хомашёсини ғарамлашдан олдин тозалаш кўчма қурилмаси конструкцияси яратилган;

паст навли ва юқори ифлосликдаги пахта хом ашёсини тозалаш қурилмасининг рационал технологик ва конструктив ўлчамлари пахта хом ашёсини тозалаш жараёни математик модели таҳлили асосида аниқланган;

тажрибавий тадқиқотлар натижалари асосида машинада терилган ва паст навли пахта хом ашёсини қайта ишлашга тайёрлашда уни тозалашдан олдин ва кейинги сифат кўрсаткичлари ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар аниқланган;

тажрибавий тадқиқотлар натижалари асосида тозалагич ишчи органларининг ўзаро рационал компоновкаси ишлаб чиқилган ва ишчи параметрлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

пахтанинг табиий сифат кўрсаткичларини максимал сақлаган ҳолда ифлосликлардан тозалаш самарасини таъминлайдиган технология ва тозалаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

паст навли ва юқори ифлосликдаги пахта хом ашёсини тозалаш қурилмасининг рационал технологик ва конструктив ўлчамлари аниқланган;

машинада терилган ва паст навли пахта хомашёси, ғарамлашдан олдин тозалашдан ўтказилган пахта, ғарамдан бузиб олингандан кейин тозаланган пахта хомашёси сифат кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутлари аниқланган ва фойдаланишга тавсия этилган;

пахта бўлакчаларининг тозалагич ишчи органлари билан таъсирланиши қонунияти асосида усқунанинг тозалаш самарасини оширадиган параметрлари ва ишлаш режимлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта таркибидан майда ифлос аралашмаларнинг ажралиш жараёни назарий ва амалий тадқиқотлари натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг етарли даражадаги мувофиқлиги, тадқиқотларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, олинган натижаларнинг реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тозалаш жараёнида пахта бўлагининг ҳаракатланиш қонуниятлари, ишчи органлар сирти билан пахта бўлакчасининг таъсирланиши математик моделлари ёрдамида олинган натижаларнинг амалий натижаларга мувофиқлиги, тозалаш самарадорлигига тозалагич параметрлари таъсирини ифодаловчи боғланишлар аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, тавсия қилинган тозалаш технологиясида қозиқчали ва

аррачали барабанлар, тўрли юза ва колосникли панжара янги компоновкаси қўлланилганда пахта хомашёсининг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиниши, пахта бўлакчаларига зарбавий таъсир жараёнларида ҳаракат йўналишлари ўзгарганлиги ҳисобига пахтани ифлосликлардан тозалаш самарасининг ошганлиги ва маҳсулот сифатининг яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Машинада терилган ва паст навли пахта хомашёсини ғарамлаш жараёнидан олдин майда ва йирик ифлосликлардан тозалашга асосланган технологияни ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

машинада терилган ва паст навли пахта хомашёсини ғарамлаш жараёнидан олдин майда ва йирик ифлосликлардан тозалашга асосланган технология «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарда, жумладан «Мингбулоқ пахта тозалаш» корхонасида жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 29 августдаги 02-32/5145 сонли маълумотномаси). Натижада пахта тозалаш жараёни самарадорлигини 56.1% га оширишга эришилган;

машинада терилган ва паст навли пахта хомашёсини ғарамлаш жараёнидан олдин майда ва йирик ифлосликлардан тозалашга мўлжалланган тозалагич конструкцияси «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарда, жумладан «Мингбулоқ пахта тозалаш» корхонасида жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2019 йил 29 августдаги 02-32/5145 сонли маълумотномаси). Натижада тозаланган пахта ифлослик даражасининг 6.8 % гача камайиши ҳисобига пахта синфи бир босқичга юқорилаши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 4 та халқаро ва 18 та Республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 зиёд илмий ишлар, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 4 та мақола чет эл журналларида, 2 та патент чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги ва уларга мослиги келтирилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий

ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Машинада терилган ва паст навли пахтани қайта ишлашга тайёрлашнинг техника-технологиясини яратиш**» деб номланган биринчи боби машинада терилган, паст навли пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва тозалаш жараёнини технологик жараёндаги техникаларни ҳозирги ҳолатининг адабий таҳлиliga бағишланган.

Таҳлилдан келиб чиқиб, ушбу тадқиқотлар ўз олдига пахтани қайта ишлашга тайёрлаш қурилмаси ёрдамида машинада терилган паст навли пахтани тозалаш назарияси ва амалиётини муайян даражада ривожлантириш, пахта махсулотларининг дастлабки сифат ва миқдор кўрсаткичларини сақлаш ва махсулот таннархини камайтириш бўйича назарий ва илмий тадқиқотларга асосланган самарали техникавий илмий амалий ечимлар яратиш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилишни мақсад қилиб қўйилган.

Диссертациянинг «**Пахта хомашёсини қайта ишлашдан олдин майда ва йирик ифлосликлардан тозалашнинг назарий тадқиқи**» деб номланган иккинчи бобида пахта хомашёсининг таъминлагичдаги ҳаракат тенгламасининг назарий тадқиқи, пахта таркибидаги майда ва йирик ифлос аралашмаларни қозикча ва тўрли юзада судраш, аррали барабан ва колосникли панжарада тозалаш тўғрисидаги материаллар келтирилган.



Расм-1. Қозикча билан валик орасидаги чигитли пахта ҳаракат схемаси

Ихтиёрий кесимдаги пахта оқими стационар ҳаракат учун Эйлер тенгламаси:

$$\rho b v \frac{dv}{dx} = -\frac{d}{dx}(pb) + pk_0(\sin \alpha + \theta f \cos \alpha) - \rho g b, \quad (1)$$

Бу ерда $b = b(x)$ -валиклар орасидаги масофа, $\rho(\alpha), v(\alpha), p(\beta)$ ихтиёрий бурчак α да оқим зичлиги, тезлиги ва босим, $\rho = \rho_0[1 + A(p - p_0)]$ -ҳолат тенгламаси, $\rho b v L = Q_0$ массанинг сақланиш қонуни. Босим ўзгариши:

$$\frac{dp}{d\alpha} = p(F_1(\alpha) + F_2(\alpha)), \quad (2)$$

Бу ерда: $c(\alpha) = 1 - \frac{Q^2 A}{\rho_0 L^2 b^2}$ - оқим координатаси;

$$F_1 = \frac{-b' + kR \cos \alpha (\sin \alpha + \theta f \cos \alpha) - F_0(\alpha)}{bc(\alpha)};$$


$$F_2 = \frac{1}{Ac(\alpha)} \{ Ap_0 F_0(\alpha) + [1 - c(\alpha)] b' - \rho_0 g R b A \cos \alpha \}, F_0 = [1 - c(\alpha)] b' + \rho_0 g R a b \cos \alpha$$

1-валикка тушувчи босим: $p_1 = \exp[F_{11}(\alpha)] \int_0^\alpha F_2(t) \exp[-F_{11}(t)] dt,$

2-валикка тушувчи босим:

$$p_2 = \exp[F_{12}(\alpha)] \{ p_h \exp[-F_{12}(\pi/2)] - \int_\alpha^{\pi/2} F_2(t) \exp[-F_{12}(t)] dt \}$$

оқим тезлиги: $\omega R = \frac{Q}{b(\alpha_c) \rho(\alpha_c) L}$



Расм-2. Юқори зонани зичлашдаги сиқилиш босимининг тарқалиши

Тозалагичдаги пахта хомашёси таркибидан майда ифлосликларни ажратиш жараёнини моделлаштириш

Қозикчалар орасидаги зоналарда тозалаш самарадорлигини ҳисоблаш:

1-ва 2-қозик орасида: $\varepsilon_1 = 1 - [1 + A(p_1 - p_{0c})]^\lambda, 0 < \alpha < \alpha_0$

2-ва 3-қозик орасида: $\varepsilon_2 = \varepsilon_1(\alpha_0)[1 + A(p_2 - p_{1c})]^\lambda, \alpha_0 < \alpha < 2\alpha_0$

3-ва 4-қозик орасида: $\varepsilon_3 = \varepsilon_2(2\alpha_0)[1 + A(p_3 - p_{2c})]^\lambda, 2\alpha_0 < \alpha < 3\alpha_0,$

4-ва 5-қозик орасида: $\varepsilon_4 = \varepsilon_3(3\alpha_0)[1 + A(p_4 - p_{3c})]^\lambda, 3\alpha_0 < \alpha < 4\alpha_0$

5-ва 6-қозик орасида: $\varepsilon_5 = \varepsilon_4(4\alpha_0)[1 + A(p_5 - p_{4c})]^\lambda, 0 < \alpha < \alpha_0,$

6-ва 7-қозик орасида: $\varepsilon_6 = \varepsilon_5(\alpha_0)[1 + A(p_6 - p_{5c})]^\lambda, \alpha_0 < \alpha < 2\alpha_0$

7-ва 8-қозик орасида: $\varepsilon_7 = \varepsilon_6(2\alpha_0)[1 + A(p_7 - p_{6c})]^\lambda, 2\alpha_0 < \alpha < 3\alpha_0,$

8-ва 1-қозик орасида: $\varepsilon_8 = \varepsilon_7(3\alpha_0)[1 + A(p_8 - p_{7c})]^\lambda, 3\alpha_0 < \alpha < 4\alpha_0$

Расм-3. Пахта хомашёсининг секцияда тўрли сирт бўйлаб ҳаракати схемаси. Қийматлар



$R = 0.2\text{м}, \omega = 50\text{с}^{-1}, v_c = 3.8\text{м/с}; h = 0.018\text{м};$

$L = 1.7\text{м}, \alpha_0 = 45^\circ, k_0 = 0.8,$

$S_0 = k_0 h L = 0.02448\text{м}^2, f = 0.1,$

$\rho_0 = 40\text{кг/м}^3, p_0 = 2500\text{Па},$

$A = 7 \cdot 10^{-4} 1/\text{Па}.$



Расм-4. Пахта хомашёси такибидан ифлосликлардан тозалаш самарадорлиги $\varepsilon = (m_0 - m) / m_0$ нинг $\rho_{00} = 55\text{кг/м}^3$ бўлганда β параметрнинг ҳархил қийматларида тозалаш ёйи бўйича тақсимланиш графиклари, $1 - \lambda = 0.06, 2 - \lambda = 0.08, 3 - \lambda = 0.1, 4 - \lambda = 0.12, 5 - \lambda = 0.14, 6 - \lambda = 0.16, 7 - \lambda = 0.18, 8 - \lambda = 0.2$

$$M / m_0 = \sum_{i=1}^4 \int_{(i-1)\alpha_0}^{i\alpha_0} \varepsilon_i d\alpha + \sum_{i=1}^4 \int_{(i-1)\alpha_0}^{i\alpha_0} \varepsilon_{4+i} d\alpha$$

Жадвал-1.

Ифлос аралашмаларнинг қозикчалар орасидаги миқдори биринчи тозалаш зонаси $Q_0 = 20/9\text{кг/с}$ бўлганда ва λ нинг ҳар хил параметрларида.


λ	0.06	0.08	0.1	0.12	0.14	0.16	0.18	0.2	0.2	0.24
$0 < \alpha \leq \alpha_0$	0.731	0.972	1.211	1.448	1.685	1.920	2.153	2.385	2.615	2.844
$\alpha_0 < \alpha \leq 2\alpha_0$	1.438	1.901	2.356	2.803	3.242	3.674	4.098	4.515	4.925	5.328
$2\alpha_0 < \alpha \leq 3\alpha_0$	1.400	1.833	2.251	2.653	3.041	3.415	3.775	4.120	4.453	4.772
$3\alpha_0 < \alpha \leq 4\alpha_0$	1.369	1.780	2.169	2.239	2.888	3.219	3.532	3.828	4.107	4.369
$M_k = \sum_{i=1}^4 M_{ik} (\%)$	4.937	6.485	7.987	9.444	11.29	12.23	13.56	14.85	16.10	17.31

Натижалар таҳлилини графикда кўрадиган бўлсак, оқимда қозикчалар зарбаси таъсири зичлик ва тезлик зарба жойларида кескин ўзгарувчи ҳолатда бўлади, қозикчалар орасидаги зичлик умумий олганда бир-бирига ўтишда ўзгармайди, лекин тезлик сезиларли даражада ўзгаради, бу эса усқунанинг юқори ишлаб чиқариш қувватида сезилади. Q_0 юқори ишлаб чиқариш қувватида иккинчи ва учинчи қозикчалар орасида сезиларли даражада ифлосликлар ажралиши кузатилди. Шундан кўриниб турибдики, λ параметр ўсиши ифлос аралашмаларнинг юқори даражада ажралишига олиб келади. Ҳисоблаш натижасида ажралган умумий ифлос аралашмалар тозалаш зонасида ажратилган.

Ифлосликларнинг ҳаракатланаётган бўлакча таркибидан ажратиш жараёнининг модели

Севостьянов А.Г. модели $\frac{m}{m_0} = \left(\frac{\rho}{\rho_0}\right)^{\lambda}$, $\lambda = 1/(1+a)$ m_0, ρ_0 m, ρ -хомашё

бўлакчасининг бошланғич ва камайган массаси ва зичлиги, a тажрибавий коэффициент $\rho/\rho_0 = \exp(-bks)$ - амалдаги ва бошланғич зичлик нисбатини ифодоловчи ўлчамсиз катталиқ, b иккинчи пропорционаллик коэффициенти, k колосниклар сони. $M/m_0 = [1 - \exp(-\beta k)]/\beta k$ -ажралган ифлосликлар миқдори ($\beta = bs_0\lambda$)





Расм-5. Самарадорлик коэффициенти ε (%) ининг колосниклар сони k ва пропорционаллик коэффициенти β нинг ҳар-хил қийматларида тақсимланиши $1-k=4$, $2-k=6$, $3-k=8$, $4-k=10$

Жадвал-2.

Хомашёдан ажралган ифлослик нисбий миқдори M/m_0 (%) нинг колосниклар сони k ва коэффициент β га боғлиқлиги

k/β	2	3	4	5	6	7	8	9	10
0.02	1.97	2.94	3.89	4.84	5.77	6.68	7.59	8.48	9.36
0.025	2.46	3.65	4.84	6.00	7.14	8.26	9.36	10.45	11.52
0.03	2.94	4.37	5.77	7.14	8.48	9.80	11.10	12.36	13.60
0.035	3.42	5.07	6.68	8.26	9.80	11.31	12.78	14.22	15.62

Йирик ифлосликларнинг хомашё оқими таркибидан колосникли панжара ёйи бўйича ажратиш жараёнининг назарий таҳлили



Расм-6. Хомашё оқимининг колосникли панжара ёйи бўйлаб ҳаракатланиш схемаси.

Қалинлиги h оқимнинг тўрли ёйи $s = R\varphi$ бўйича стационар ҳаракат

учун Эйлер тенгламаси
$$\rho v \frac{dv}{ds} = -\frac{dp}{ds} + \rho g(\sin \varphi - f_1 \cos \varphi) - f_1 \rho \frac{v^2}{R} + \frac{\tau}{s_0}$$

($\rho(s), v(s), p(s)$ ихтиёрий ёйда оқим зичлиги, тезлиги ва босим, S кесим юза)


$\rho = \rho_0 [1 + A(p - p_0)]$ ҳолат тенгламаси, $\rho v S = Q_0$ масса сақланиш қонуни

$$\frac{dp}{d\varphi} = F_1(\varphi)p + F_2(\varphi) \quad p = \exp[F_3(\varphi)] \left\{ p_0 \exp[-F_3(\varphi_0)] + \int_{\varphi_0}^{\varphi} F_2(x) \exp[-F_3(x)] dx \right\}$$

$F_3 = \int F_1(\varphi) d\varphi$. Тозалаш самарадорлиги ва ажратилган ифлосликлар массаси:

$$\varepsilon = \frac{m_0 - m}{m_0} = 1 - [1 - A(p - p_0)]^{\lambda k}, \quad M = m_0 \int_{\varphi_0}^{\varphi_0 + \alpha} [1 - [1 - A(p - p_0)]^{\lambda k}] d\varphi$$

$R = 0.204\text{м}$, $\rho_0 = 25\text{кг/м}^3$, $f_1 = 0.2$, $\varphi_0 = 30^\circ$, $\alpha = 120^\circ$, $Q_0 = 3500\text{кг/соат}$, $L = 1.3\text{м}$,
 $h = 0.02\text{м}$, $p_0 = 20\text{Па}$.



Расм-7. Тозалаш самарадорлигининг ёй бўйича ҳар хил $A(1/H)$ да тақсимланиши (1 – $A = 0.014$, 2 – $A = 0.016$, 3 – $A = 0.018$, 4 – $A = 0.02$, 5 – $A = 0.022$, 6 – $A = 0.024$)

Хомашё таркибидан ажралган нисбий ифлосликларнинг $A(\text{Па}^{-1})$ ҳархил қийматларидаги коэффицентлари 3-жадвалда берилган.

3-Жадвал.

Хомашё таркибидан ажралган нисбий ифлослик коэффицентлари

$\tau = 20\text{Па}$										
$A(\text{Па}^{-1})$	0.001	0.0015	0.002	0.0025	0.003	0.0035	0.004	0.0045	0.005	0.0055
$\frac{M}{m_0}100$	2.271	3.651	5.247	7.115	9.374	12.032	15.38	19.68	25.54	34.34
$\tau = 40\text{Па}$										
$A(\text{Па}^{-1})$	0.001	0.0015	0.002	0.0025	0.003	0.0035	0.004	0.0045	0.005	0.0055
$\frac{M}{m_0}100$	2.371	3.815	5.491	7.458	9.805	12.66	16.24	20.90	27.34	37.42

Келтирилган натижалар таҳлилидан мойиллик коэффиценти A ошганда зичлик ρ ва тозалаш самарадорлик ε ларининг ёй бўйича тақимланиш қонунлари ўзгариб бориши кузатилади. Унинг кичик қиймаларида зичлик олинган интервалда камайиб бориб самарадорлик эса максимумга эришади. Бу қонуниятлар хомашёни ифлосликлардан ажратиш узатилаётган хомашё муҳитининг мойиллик коэффиценти танлаш имкониятини яратади


Диссертациянинг «Қайта ишлашдан олдин пахтани тозалаш қурилмасининг конструкциявий ва технологик параметрлари рационал қийматларини аниқлаш» деб номланган учинчи бобида йирик ифлосликларни хомашё таркибидан ажралиб кетиши назарий таҳлили, тозалаш агрегатларининг тола махсулоти сифатига таъсири, пахтани қайта ишлашга тайёрлаш қурилмасининг технологик ечимларини асослаш мақсадида унинг рационал параметрларини аниқлаш, синовдан ўтказиш ҳамда амалиётга жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва тозалаш технологиясига мос келадиган асословчи мезонлар аниқланган.

Йирик ифлосликларни хомашё таркибидан ажралиб кетишини назарий таҳлил қиламиз.

$$\frac{m - dm}{\rho - d\rho} = V + dV; \quad \frac{\rho - dm/V}{\rho - d\rho} = \frac{1 - dm/m}{1 - d\rho/\rho} = 1 + dV/V; \quad \frac{dm}{m} = \frac{1}{a} \frac{dV}{V}$$


Бу ерда; m , d ва v мос равишда пахта бўлакчаси массаси, зичлиги ва ҳажми, a -пропорционаллик коэффиценти.Тозалаш самарадорлиги ушбу қонуниятлар асосида ўзгаради.Уни самарадорлик коэффиценти орқали ифодалаш мумкин.

Самарадорлик коэффиценти ε (%) нинг колосник панжараси бўйлаб ҳар-хил қийматларида тақсимланиши графиклари келтирилган.



Расм-8. Самардорлик коэффиценти ε (%) ининг колосник панжараси бўйлаб колосниклар сони k ва пропорционаллик коэффиценти β нинг ҳар-хил қийматларида тақсимланиши $1-k=4$, $2-k=6$, $3-k=8$, $4-k=10$

Янги тавсия этилган пахтани қайта ишлашга тайёрлаш қурилмасининг тажриба синов натижалари



1) ПЛА русумли лентали таъминлагич; 2) Таклиф қилинаётган сурилманинг технологик схемаси; 3) КЛП-650 русумли лентали транспортер; 4) Регенератор.

Расм-9. Пахтани қайта ишлашга тайёрлаш қурилмасининг схемаси.

Тажриба синов ишлари, ишлаб чиқилган методика ва мувоффиқлаштирилган технология асосида ўтказилиб, тажриба синов ўтказиш учун ускуналар танлаб олинди қуйидаги натижаларга эришилди:

Жадвал-4

Ғарамдаги пахтанинг сифат кўрсаткичлари

Пахтанинг селекция нави	Пахтанинг саноат нав/синфи	Ифлос аралашманинг вазний улуши, %	Намликнинг вазний нисбати, %
Анд-35	IV/2	14,7	13,2
Анд-35	IV/2	15,5	13,5
Анд-35	IV/2	14,9	14,5

**Тозалаш самарадорлигини қозикли ва аррали барабанларнинг
чизикли тезлигига боғликлиги**

Селекция ва саноат нави	Пахтанинг бошланғич ифлослик даражаси,%	I-тоз-ш самараси% / чизик. тезлиги м/с	II- тозалаш самараси% / чизик. тезлиги м/с	Тозалашдан кейинги ифлослик даражаси,%	Умумий тозалаш самарадор лиги,%
		I	II		
Анд-35 IV/2	14.7	2.9/ 8,9	4.3/7,8	7.2	51.0
Анд-35 IV/2	15.5	2.8/ 9,10	4.0/8,9	6.8	56.1
Анд-35 IV/2	14.9	2.7/ 10,11	3.9/9,10	6.6	55.7

Пахта хомашёсини майда ва йирик ифлосликлардан тозалаш жараёни босқичлар бўйича ўрганилди. Экспериментал тадқиқот ишларини бажариш тартиби такрорий натижалар олиш йўли билан аниқланди. Қурилмада тажриба ишларини амалга ошириш, сифат кўрсаткичларини ва тозалаш самарадорлигини аниқлаш учун ғарам майдонларидан тозаланган пахта хомашёсидан намуна олиниб, бошланғич ва кейинги натижалари лаборатория ускунасида текширилди.

Янги тозалаш қурилмасининг параметрларини оптималлаштириш.

Амалий ва назарий тадқиқотлар асосида самарадорликка сезиларли таъсир кўрсатувчи қуйидаги омилларни танлаб олинди:

Кирувчи омиллар

6-жадвал

№	X _n	Омиллар	x _{max}	x _{min}	Δ	ϕ
1	X ₁	Барабан чизикли тезлиги (м/с)	9	7	1	8
2	X ₂	Колосниклар орасидаги масофа (мм)	45	35	5	40
3	X ₃	Пахтани ишчи зонага тушиш бурчаги (град)	90	20	35	55

Учта ўтказилган тажриба бўйича танланган қийматларни қўямиз, бу қийматларни 7-жадвалга киритамиз. $N_2 = N = 8$, $m = 2$.

Режа матрицаси

7-жадвал

№1 тажриба	Кирувчи омиллар			Ишчи матрица			Чиқувчи параметр У
	X ₁	X ₂	X ₃	(X ₁)	(X ₂)	(X ₃)	
1	-	-	-	7	35	20	46.1
2	+	-	-	9	35	20	48.2
3	-	+	-	7	45	20	46.0
4	+	+	-	9	45	20	51.4
5	-	-	+	7	35	90	48.2
6	+	-	+	9	35	90	54.3
7	-	+	+	7	45	90	52.1
8	+	+	+	9	45	90	56.2

Олинган синов натижаларини ҳар қайси омил учун маълум кетма-кетликда алоҳида статистик усулда қайта ишланди.

Регрессия коэффицентларининг аҳамиятли сонли коэффицентлари ҳисобланди ва ўрнига қўйиб қуйидаги регрессия тенгламаси олинди:


$$y=50.2+2.1X_1-1.2X_2+2.83X_3-0.08X_1X_2+1.6X_1X_3-0.02X_2X_3$$

Студент критерийси бўйича регрессия коэффицентларининг аҳамиятлилигини текшириб, аҳамиятсиз коэффицентлар ташлаб юборилгач ушбу регрессия тенгламаси ҳосил қилинди:

$$y=50.2+2,1X_1-1,24X_2+2,83X_3+1.6X_1X_3$$

Фишер критерияси бўйича чизикли моделни адекватликка текширилганда у жараёнга 95% эҳтимоллик билан адекват экани аниқланди. Регрессия тенгламалари компьютерда таҳлил қилинди ва тозалаш жараёни параметрлари оптималлаштирилди.

Диссертациянинг «Юқори намликдаги паст навли пахтани қайта ишлашга тайёрлаш технологияси ва қурилмасини яратиш» деб номланган тўртинчи бобида юқори намликдаги пахтани сепараторнинг вакуум-клапани ишчи узунлиги бўйича тақсимланишининг назарий тадқиқи асосида пахтанинг табиий хусусиятлари сақланишини таъминлайдиган рационал параметрлари аниқланган. Амалий ва назарий тадқиқотлар асосида самарадорликка сезиларли таъсир кўрсатувчи янги тозалаш қурилмасининг параметрларини оптималлаштириш омиллари танлаб олинган. Пахта хомашёсининг хусусиятлари ва тозалагичнинг конструктив ва технологик аҳамияти, паст навли юқори намликдаги пахта хомашёсини қуриштириш ва тозалаш жараёни технологик схемасини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари келтирилган.



10-расм. Паст навли юқори намликдаги пахта хомашёсини қуриштириш ва тозалаш жараёни технологик схемаси

Паст навларни қуриштириш, тозалаш жараёни корхонанинг параллел равишда ўрнатилган 1-оқим тизимидан сепаратор орқали юқори намликдаги пахта хомашёсини 2-СБ-10 қуриштириш барабанига етказиб беради. Қуриштириш агентининг сарфи 20000 м³/соат ва юқори намликдаги паст навли пахта учун иш унумдорлиги 4-4,5 т / соат бўлганда иш жараёнинг тартиби бир оқим йўлида олиб борилади. Қабул қилинган пахта хомашёсинининг


дастлабки намлик даражаси 15 % дан -20 % гача бўлганда қуритиш агентининг харорати 180 ° С дан 220 ° С гача, тутунсўрғич олдидаги хаво сийраклиги эса 462-492 (47-50) Па (мм,сув,устуни) бўлганда, намликнинг пасайиши 7-10 % гача ўзгариши регламент бўйича белгиланган.

8-жадвал


Қабул қилинган пахтанинг ифлослиги ва намлик кўрсаткичлари

нави	хажми	Пахтанинг ифлослиги ва намликнинг массавий нисбати меъёрлари, % кўпи билан								
IV	983	11,9	12,5	147.4	15,5	16,5	344.0	17,7	18,5	491.5
V	496							20.8	22.4	496.0
										1331.5

Юқори намликдаги пахта хомашёсининг СХ сепараторида тақсимланиши назарий тадқиқи




11-расм. СХ сепараторида пахта оқимини вакуум -клапан ишчи узунлиги бўйича тақсимланиш ҳолати. Пахта вакуум-клапаннинг ўрта қисмида тўпланади, четки қисмида эса пахта миқдори сийрак бўлади.



12-расм. Пахта бўлақларининг СХ сепаратори вакуум-клапан узунлиги бўйича тақсимланиши графиги.


Назарий тадқиқотлар натижасида пахтанинг СХ сепаратори вакуум-клапани ишчи узунлиги бўйича тақсимланиши графиги олинди. Графикдан кўришиб турибдики, вакуум-клапаннинг ишчи узунлиги бўйича пахтанинг тақсимланиши нотекис бўлиб, ушбу муаммони ечимини топиш, чигитни механик лат ейиш даражасини камайишига олиб келади ҳамда тола узилишининг олдини олади.

1-пахта хом ашёси сепаратори; 2-шаклнинг А кўриниши; 1; 3-шакл, шаклда В кўриниши. 4.6-расмларда, изометрик кўринишда пахта оқимлари йўлланмаларини ўрнатилиши кўрсатиб берилган.



13-расм. Такмиллаштирилган СХ сепараторининг кўриниши.

Ҳаво ўтказгич сепаратор камерасига уланган, пахта таъминлагич эса сепаратор шахтасига уланган. Сепаратор камерасининг чиқиш патрубкиси олдида тўр юза ўрнатилган, унинг олдида вал устида айланиш хусусиятига эга бўлган қирғич ўрнатилган. Сепаратор шахтасининг таг қисмига вакуум-клапан ўрнатилган.



14-расм. Қурилма узел ва деталларининг изометрик кўриниши.

Диссертациянинг «**Машинада терилган ва паст навли пахтани қайта ишлашга тайёрлаш технологияси ва қурилмасини ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш**» деб номланган бешинчи бобида тавсия этилган қурилманинг ишлаб чиқариш шароитида экспериментал намунасининг синов натижалари, янги тозалаш қурилмасида олинган натижаларнинг статистик таҳлилини ўтказиш ва қурилмани саноатга жорий этишдан кутиладиган иқтисодий самарадорлик характеристикаларини аниқлаш натижалари акс эттирилган.

Таҳлил натижалари аниқ бўлиши учун намуналар 5 марта такрорий ўтказилиб ўртачаси олинди. Пахтани қайта ишлашга тайёрлаш технологияси асосида янги таклиф этилган тозалагичда ўтказилган синов ишининг натижалари қуйидагилардан иборат:

АН-35 III нав 2-синф пахта хомашёсининг бошланғич ифлослиги 11,9 %, тозалашдан сўнг 5,4 % ни, тозалаш самарадорлиги эса 54,6 % ташкил этди. АН-35 IV нав 2-синф бошланғич ифлослиги 15,5 % бўлган пахтани

тозалашда тозалаш самарадорлиги 56,1 %ни, ифлослиги 9,6 % га эга бўлган С65-24 II нав 2-синф пахтани тозалашда қурилманинг тозалаш самарадорлиги 53,1 % ни ташкил этди. Бошланғич ифлосликка эга бўлган пахтани қурилмада тозалашда чиқиндига ажралган пахта миқдори чиқинди массасига нисбатан 5,2 % бўлиши аниқланди. Шу билан бирга синов ишлари даврида қурилманинг тиқилмасдан самарали ишлаши кузатилди.

9-жадвал

Натижаларнинг статистик таҳлили натижалари. Тажриба режаси-1

Кирувчи Омиллар	X max	Xmin	$\Delta = \frac{X \max - X \min}{2}$	$X_{cp} = \frac{X \max + X \min}{2}$
Таъминлагич тезлиги	25	15	5	20
Қозикли барабан тез-ги	500	400	50	450
Аррали барабан тезлиги	350	250	50	300

Тажриба режаси-2

Кирувчи параметрлар. Омиллар	Xmax	Xmin	$\Delta = \frac{X \max - X \min}{2}$	$X_{cp} = \frac{X \max + X \min}{2}$
Таъминлагич тезлиги	25	15	5	20
Қозикли барабан тез-ги	500	400	50	450
Аррали барабан тезлиги	400	300	50	350

10- Жадвал

Чиқувчи параметр: Y_1 -тозалагичнинг иш унумдорлиги, т/с ;

№	X1	X2	X3	Y_{u1}	Y_{u2}	Y_{ucp}	S_u^2	\bar{Y}_u	R_u (%)
1	-	-	-	2300	2400	2350	5000	4.25	4.25
2	+	-	-	2500	2700	2600	20000	1.68	1.68
3	-	+	-	2400	2500	2450	5000	4.08	4.08
4	+	+	-	3100	3300	3200	20000	1.37	1.37
5	-	-	+	2700	2900	2800	20000	3.58	3.58
6	+	-	+	3400	3650	3525	31450	2.04	2.04
7	-	+	+	3200	3400	3300	20000	3.03	3.03
8	+	+	+	3800	4100	3950	45000	1.11	1.11

Олинган синов натижаларини ҳар қайси омил учун маълум кетма-кетликда алоҳида статистик усулда қайта ишлаб, регрессия тенгламасининг қуйидаги коэффицентлари олинди:

$b_0=3021.87$; $b_1=296.87$; $b_2=203.12$; $b_3=371.87$; $b_{12}=53.12$;
 $b_{13}=46.87$; $b_{23}=28.12$; $b_{123}=-71.87$. Регрессия тенгламаси:

$y=3021.87+296.87X_1+203.12X_2+371.87X_3+53.12X_1X_2++46.87X_1X_3+28.12X_2X_3-71.8X_1X_2X_3$.

Студент критерияси бўйича регрессия коэффицентлари текширилиб, ахамиятли регрессия коэффицентлари қолдирилди. Регрессия тенгламаси:

$$y=3021.87+296.87X_1+203.12X_2+371.87X_3$$

Фишер критерияси бўйича регрессия тенгламасини адекватликка текшириш амалга оширилди ва $F_{\alpha,k_1,k_2} = 3.01$ $F < F_{\alpha,k_1,k_2}$ тенгсизлик бажарилганлиги сабабли мувофиқлик гипотезаси ўринли бўлади, деб ҳисобланди.

Шу услубда Y_2 -пахтанинг тозалаш самарадорлиги(%) кўриб чиқилди. Студент критерияси бўйича регрессия коэффицентларининг ахамиятлилигини ва Фишер критерияси бўйича регрессия тенгламасини адекватликка текшириб, қуйидаги:

$$y=44.62+2.37X_1+1.25X_2+2.87X_3$$

регрессия тенгламаси қабул қилинди ва ундан янги қурилмада тозалаш жараёнини оптималлаштиришда фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга қўллашдан олинadиган иқтисодий самарадорлик ҳисобланганда корхонада иккинчи синфга қабул қилинган пахта, ғарамлаш жараёнидан олдин тозалангандан сўнг, меъёрий кўрсаткичларига кўра иккинчи нав биринчи синф талабига мос келгани аниқланди. Шунга кўра пахта хомашёсининг харид нархлари бўйича ҳисобланганда ускунадан фойдаланилганда олинadиган йиллик иқтисодий самара 628486,76 минг сўмни ташкил этди.

Умумий хулосалар

1.Олиб борилган илмий адабий таҳлил натижасида ҳозирги кунга қадар пахтага ишлов бериш ва уни тозалашда юз берадиган ходисаларнинг моҳияти тўлиқ очиб берилмагани, айрим технологик жараёнлар ва ускуналар тўлиқ такомилга эришмагани аниқланди.

2. Пахтани қабул мавсумида саноат навлари ва синфлари бўйича пахта хомашёсининг миқдори ва таркиби ўрганилганда II нав 2 синф пахта хомашёси таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмаларнинг массавий улуши 8 % дан 15 % гача, III-навнинг барча синфларида 9,5 % дан 16,5 % ни, IV-навнинг биринчи синфида 11,9 % ни, намликнинг массавий нисбати эса 15,5 % ни, V-нав пахта хом ашёси таркибидаги ифлослик ва нуқсонли аралашмаларнинг массавий улуши 20,8 %, намликнинг массавий нисбати эса 22,4 % гачани ташкил этиши аниқланди.

3. Пахта хомашёсининг таъминлагичдаги ҳаракати назарий таҳлиллар асосида ўрганилганда таъминлагичдаги пахта хомашёси оқимининг зичлиги ва тезлиги кескин ўзгариши ва пахтани нотекис узатилишига олиб келиши аниқланди.

4. Ишлаб чиқариш шароитида қозикли барабанларнинг чизикли тезлиги 7,5 м/с дан кам, 11,5 м/с дан юқори бўлганда тозалаш самарадорлиги пасайиши билан бир қаторда чигитнинг механик шикастланиши ҳам меъёр даражасидан ошиб кетиши аниқланди.

5. Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида пахтани қайта ишлашга тайёрлаш технологияси ва уни амалга оширишга хизмат қилувчи янги пахта тозалаш қурилмаси конструкцияси ишлаб чиқилди.

6. Назарий тадқиқотлар натижасида яратилган тозалаш қурилмасида қозикли барабаннинг чизикли тезлиги 9,42 м/с; аррали барабаннинг чизикли тезлиги 8 м/с; барабан ва тўрли юза орасидаги масофаси 14 мм; пахтанинг чизикли тезлиги 4,71 м/с; пахтанинг хажмий зичлигини 55 кг/м³ тўрли юзанинг фойдаланиш коэффициенти 0.92 % бўлганда тозалаш самарадорлиги 53,1 % ни ташкил қилиши аниқланди.

7. Ўтказилган солиштирма синов натижаларига кўра янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилинганида С-6524 II/2 саноат навли пахтанинг тозалаш жараёнидан кейин майда нуқсонлар миқдори 4,42 % дан 2,85 % га, майда ифлос аралашмалар йиғиндиси 1,14 % дан 0,96 % га, толали улюк миқдори 0,93% дан 0.91 % га, синган чигит миқдори 0,69 % дан 0,65 % га, толали чигит пўстлоғи 1,01 % дан 0,98 % га, эшилган тола миқдори 0,07 % дан 0,05 % га камайиши аниқланди

8. Олинган натижаларга кўра янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилинганида пахта хомашёсининг амалдаги харид нархлари бўйича йиллик иқтисодий самарадорлик 628.486,76 минг сўмни ташкил этди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК (DSc) НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ЗА НОМЕРОМ
PhD.30.05.2018.T.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ГАЙБНАЗАРОВ ЭГАМНАЗАР ЭРЙИГИТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОДГОТОВКИ К ПЕРЕРЕБОТКЕ ХЛОПКА
МАШИННОГО СБОРА И НИЗКОГО СОРТА**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА (DSc) ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК**

Наманган - 2019

Тема диссертации доктора (DSc) технических наук зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2017.4.DSc/Т 196

Докторская диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.namti.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net).

Научный консультант

Ходжиев Муксин Таджиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Джураев Анвар Джураевич
доктор технических наук, профессор

Ахмедходжаев Хамид Турсунович
доктор технических наук, профессор

Сулаймонов Рустам Шенникович
доктор технических наук, с.н.с

Ведущая организация:

Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится « 23 » ноября 2019 года в 10.00 часов на заседании Научного совета PhD.30.05.2018.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 100100, г.Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75. e-mail: niei_info@edu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под номером а349).

Адрес 100100, г.Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан « 04 » ноября 2019 года.
(реестр протокола рассылки №06 от « 04 » ноября 2019 года).

Р.М.Мурадов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

О.Ш.Саримсаков

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К.М.Холиков

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Согласно мировой статистике и данным Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC) производство хлопкового волокна за последние годы достигла 26,2 млн тонн в год, основная часть которого соответствует мировым гигантам - Индии и Китая с 24.8 и 24.8 процентами от общего производства. Высокая конкуренция в мировом хлопковом рынке и разработка современных, высокопроизводительных текстильных машин и потребность к конкурентоспособной текстильной продукции высокого качества привела к сильному повышению требований покупателей к качеству хлопкового волокна. В связи с этим, на мировом уровне стали уделять особое внимание устойчивому развитию хлопкоочистительной промышленности, внедрению на предприятиях современного оборудования, повышению эффективности и рационального использования производственных мощностей для производства и поставки на мировой хлопковый рынок качественной, конкурентоспособной продукции. В связи с этим, в мировом масштабе становится одним из важных - задача дальнейшего повышения потребительских свойств хлопковой продукции, при снижении их себестоимости и обеспечения эффективности технологии переработки хлопка путем совершенствования хлопкоочистительных машин и создания автоматизированных, ресурсосберегающих технологий.

В мировой практике проводятся широкомасштабные исследования по совершенствованию техники и технологии переработки хлопка высокой влажности и засоренности, особенно машинного сбора. В этой сфере разработка теоретических основ технологии очистки от сорных примесей, разработка математических моделей, способствующих установлению оптимальных режимов очистки без отрицательного влияния на первоначальные качественные показатели хлопка, разработка эффективных и ресурсосберегающих устройств, эффективной технологии подготовки хлопка-сырца к процессу очистки, оптимизация режимов и параметров машин обретают особую важность.

В нашей республике осуществляются комплексные меры по развитию хлопковой отрасли, усовершенствованию техники и технологии, техническому перевооружению хлопкоочистительных предприятий, повышению рентабельности производства и переработки хлопка-сырца, а также обеспечению конкурентоспособности выпускаемой продукции. В Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности по «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, уменьшение расходов энергии и ресурсов, широкое внедрение энергосберегающих технологий...»¹.

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

При выполнении этой задачи изучение возможности и предпочтения очистки хлопка перед бунтованием, разработка эффективной технологии подготовки хлопка-сырца к хранению, основанную на данный способ, а также, влияния такого способа на выделение сорных примесей из состава хлопка и на первоначальные качественные показатели хлопкового волокна являются актуальным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» и в Постановлении Кабинета Министров от 31 марта 2018 года № 253 «О дополнительных мерах по организации деятельности хлопковых текстильных производств и кластеров» и в Постановлении ПП № 4408 от 28 ноября 2017 года «О мерах совершенствовании системы управления хлопководческой структуры», а также в других нормативно – правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики по направлению: П. «Энергетика, энергия и энергосбережение».

